O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY MUZEY FAALIYATI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
21 DEKABR
SHANBA
№ 155 (27.014)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

БУЮК УКРАИН ШОИРИГА ЭҲТИРОМ



Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов таклифига биноан мамлакатимизга келган Украина Республикаси Президенти Леонид Кучма амалий ташрифининг иккинчи кунини пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт-соғломлаштириш мажмуи билан танишувдан бошлади. Юксак мартабали меҳмон жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб берадиган сув спорти саройи, муҳташам теннис кортининг меъморий ечимига, мавжуд қулайликларига юқори баҳо берди.

Президентлар украин халқининг атоқли шоири Тарас Шевченкога юксак эҳтиром рамзи сифатида Тошкентда ўрнатилган ҳайкалнинг очилиш маросимида иштирок этди.

Тантанали маросимни Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдураҳмонов очди. Икки мамлакат давлат мадҳиялари янгради.

— Тошкентда украин халқининг буюк фарзандига ҳайкал қўйилиши бизнинг украин халқига, унинг тарихи ва маданияти, тили ва мустаҳкам иродасига бўлган ҳурматимизнинг яна бир намунасидир, — деди давлатимиз раҳбари Ислом Каримов. — Бағрикенг Украина замини инсониятга Тарас Шевченкодек ажойиб шоир, иқтидорли рассом, янги украин адабиётининг асосчиси ва озодлик куйчисини етказиб берди.

Унинг «Кобзарь» китобида украин халқининг донишмандлиги, олижаноблиги ва келажакка бўлган юксак ишончи ўз ифодасини топган.

Буюк украин шоирининг ижоди ўзбек халқининг дилига жуда яқин. Унинг машҳур асарлари Ҳамид Олимжон, Амин Умарий, Ҳасан Пўлат, Мақсуд Шайхзода, Зулфия, Миртемир каби ўткир қалам соҳиблари томонидан ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилинган.

Давлатимиз раҳбари Тарас Шевченко ҳайкалининг айнан шоир номидаги мактаб ёнида ўрнатилишининг аҳамияти ҳақида гапирар экан, қуйидагиларни алоҳида таъкидлади.

— Орадан ўнлаб, юзлаб йиллар ўтгандан кейин ҳам мана шу ҳайкал ва мактаб халқларимизнинг истиқлол ва озодлик йўлидаги машаққатли курашларидан, Украинанинг 1966 йил Тошкентда рўй берган зилзила оқибатларини бартараф этишда кўрсатган катта ёрдамидан, украин халқининг ўзбек халқи билан елкама-елка қилган меҳнатидан, пойтахтимизни қайта тиклашдаги фаол иштирокидан гувоҳлик бериб тураверади.

— Украин халқининг буюк фарзанди Тарас Шевченкога қўйилган ҳайкалнинг тантанали очилиш маросимида иштирок этаётганимдан бағоят мамнунман, — деди Леонид Кучма. — Атоқли шоиримизга кўрсатилган бу юксак эҳтиром учун Ўзбекистон халқи ва Президент Ислом Каримовдан миннатдорман.

Икки давлат раҳбарлари шоир ҳайкали пойига гул қўйди. Президентлар шу ернинг ўзида Ўзбекистонда яшовчи украин миллати вакиллари билан учрашди. Самимий суҳбат чоғида мамлакатимизда украин маданияти ривожига берилаётган улкан эътибор, икки миллат вакилларининг иноқлиги, қардошлиги ҳақида сўз борди.

Леонид Кучма ва Ислом Каримов 110-мактабга ташриф буюрди. Икки давлат раҳбарларини украин ва ўзбек миллий либосидаги болалар анвойи гуллар билан қарши олди. Президентлар мактабнинг компьютер синфида яратилган шароит билан танишди, ўқувчи ва педагоглар билан суҳбатда бўлди. Замонавий компьютерларда ишлашни қунт билан ўрганаётган ёшлар ўз қизиқишлари, орзулари ҳақида гапирди, украин ва ўзбек тилларида шеърлар ўқиди.

Шу билан Украина Республикаси Президентининг Ўзбекистонга амалий ташрифи ниҳоясига етди. Юксак мартабали меҳмонни Тошкент аэропортида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кузатиб қолди.

■ **Озод РАЖАБОВ,**
ЎзА мухбири

✧✧✧

Суратларда: маросимдан лавҳалар.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар

DUNYO
VOQEALAR YANGILIKLAR XABARLAR

МУДОФАА ХАРАЖАТИ УЧУН ҚЎШИМЧА МАБЛАҒ

Ҳудудда вазият кескинлашаётганлигини инобатга олиб, Эрон ўз ҳарбий харажатлари учун қўшимча маблағ ажратишни мўлжаллаб турибди. Бу ҳақда мамлакат мудофаа вазири Али Шахмани хабар берди, дейилади Associated Press ахборот агентлиги тарқатган маълумотда.

«Мамлакат кучини ва ҳарбий салоҳиятини ошириш, янги технологияларни қўллаб, ҳарбий саноатни ривожлантириш янги йил бюджети лойиҳасида биринчи ўринда турган масаладир» деди Эрон Президенти Муҳаммад Хотамий бюджет лойиҳасини парламентга тақдим этаркан.

Маълумки, Эрон Афғонистон билан бугунги кунда вазияти кескинлашган Ироқ давлатлари ўртасида жойлашган.

ПРЕЗИДЕНТГА БЎЙСУНМАЙДИ

Венесуэлада давлат ҳокимияти билан Президентга қарши кучлар ўртасида вазият кескинлигича турибди. Яқинда Венесуэла Олий суди мамлакат Президенти Уго Чавесга бўйсунувчи полиция кучларини Президентнинг асосий муҳолифи бўлмиш Каракас мэри Альфредо Пена бўйсунувига ўтказиш ҳақида федерал ҳукуматга буйруқ берди. Аввалари Уго Чавесни қўллаб-қувватлаган мамлакат полицияси раҳбарияти бугунги кунда ким томондалиги ҳозирча ошкор этилмаяпти, дея хабар беради Associated Press.

ЛОЙИҲА ТАҚДИМОТИ

2001 йил 11 сентябрда террорчилар томонидан портлатилган жаҳон савдо марказининг осмонўпар эгиз бинолари ўрнида қад ростлайдиган янги осмонўпар бинолар лойиҳаларининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Нью-Йоркда ўтказилган мазкур тақдимотга 9 та лойиҳа тавсия этилди. Улардан 5 таси дунёда ягона осмонўпар бинолар қурилишини назарда тутади. Лойиҳалардан бирида 640 метрлик ўта баланд бино қурилиши кўзда тутилган (ҳозирги кунда дунёдаги энг баланд бино 452 метрни ташкил этади).

Мазкур 9 лойиҳа тақдимотга тавсия этилган 407 та лойиҳа орасидан танлаб олинган.

Associated Pressда ёзишларича, келгуси йилнинг 31 январида лойиҳаларнинг якуний (хулосавий) танлови бўлиб ўтади. Бу иккинчи танловдир. Шу йил июлдаги танловга тавсия этилган 6 лойиҳанинг барчаси яроқсиз деб топилди.

ИЛТИЖО

Дунёдан ўтаркан улуғ бир даҳо,
Худога сўнгги бор қилди илтижо:
— Мендан сўнг номимни бирор зурёдим,
Деш қилиб юрмаса дейман, Илоҳо!

Абдулла ОРИПОВ,
20 декабр 2002 йил

2003 ЙИЛ УЧУН «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИГА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАДИНГИЗМИ?

Ҳурматли муштарийлар, қадрли мухлислар!

Мана, обуна мавсуми ҳам поёнига етай деб қолди. Янги йилда газетамиз билан доимо ошно бўлишни ният қилган, долзарб мавзулардаги мақолаларни ўқишни, хориж ва юртимизда рўй бераётган янгиликлардан бохабар бўлишни истаган дўстларимизга обунада кечикиб қолмасликни эслатмоқчимиз.

Биласиз, обуна ўзингиз севган нашрнинг йил — ўн икки ой хонадонингизга беминнат, беташвиш кириб боришининг кафолатидир.

Янги йилда сизларни қизиқтирган мавзулар, ташвишга солган, ислоҳотларга тўсиқ бўлаётган муаммоларга алоҳида эътибор беришни режалаштирганмиз. «Ўзбекистон овози»га обуна бўлсангиз сира янглишмайсиз. Обуна баҳоси бошқа нашрларникига қараганда анча арзонлигига ҳам эътибор беринг, бу ҳам Сизнинг манфаатингизни ўйлаб қилинган тадбир!

НАШР ИНДЕКСИ — 220

ДОЛЗАРБ МАВЗУДА СУҲБАТ

ОРОЛГА ТУРНАЛАР ҚАЙТАДИ

— СУВ МАСАЛАСИНИ МИЛЛИЙ СИЁСАТ ДАРАЖАСИГА КЎТАРМАГУНИМИЗЧА КЎЗЛАНГАН МАҚСАДГА ЕТИШИМИЗ ҚИЙИН, — ДЕЙДИ ОРОЛНИ ҚУТҚАРИШ ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМАСИ GEF АГЕНТЛИГИ РАҲБАРИ РИМ АБДУЛОВИЧ ГИНЯТУЛЛИН.

— Орол ҳақида кўп ёзиляпти, гапирилаяпти. Шундай бўлса-да, ҳамма ҳам, айниқса бугунги ёшлар Орол фожиаси сабабларини аниқ билишмайди. Шу боис, аввало, Орол нега қуриётгани, бунга ким айбдорлиги ҳақида тўхталсангиз.

— Сиз ўзингиз уни нима учун қуриган деб ўйлайсиз?

— Менимча, пахта яккаҳокимлигининг таъсири катта бўлди. Ҳаддан ташқари кўп сув пахтага олинди. Амударё ва Сирдарё сувлари оролга етиб бормади. Бундан ташқари, сувдан аёвсиз фойдаланилди, исрофгарчилик кўп бўлди. Пахтага деб олинган сувлар пахта пайкалларида кўл бўлиб ётганини, ҳатто пайкалдан тошиб, кўчаларни босиб кетганини ёшлигимизда кўп кўрганмиз...

— Шўро пайтида ўзбек халқи «пахта иши»дан кўп жабр кўрди. Буни ҳеч ким инкор этолмайди. Қанча пахта топширишни собиқ марказ белгиларди. Биз уларга қарши боролмасдик. Ўша пайтда бизни қийнаб турган нарса пахта бўлгани учун Оролни пахта қуритаяпти, деб гапириш одат бўлиб қолганди.

Аслида, Оролнинг қуришига пахта асосий сабабчи эмас. Ўша пайтда, яъни 1970 — 80-йилларда 20 фоиз сув пахтага сарфланарди, холос. Бугунги кунда ҳам бу рақам ўзгаргани йўқ. Аммо қолган сув қаёққа бўлса, шу ёққа кетаяпти.

— Қаёққа, масалан?

— Масалан, буғдойни олсак. Пахтага нисбатан сувга табиий талаби 3 марта кўп. Лекин биз ғаллага ҳам, пахтага ҳам тенг сув сарфлаяпмиз. Унисига ҳам, бунисига ҳам гектарига 12 минг км³дан сув кетаяпти. Пахта бошқа экинларга нисбатан сувни бир неча баробар кам истеъмол қилади. Шолига пахтага нисбатан 3,5 марта кўп сув керак. Маккажўхорига, бедага, сабзавотга пахтага нисбатан 1,5-2 марта кўпроқ сув керак. Демак, гап бошқа ёқда: ички тартиб-интизом, ариқлар ҳолати, ерлар ҳолати, ердан самарали фойдаланиш, кам жойдан кўпроқ ҳосил олиш, яъни маҳсулот унумдорлигини ошириш кўнгилдагидек эмас.

Пахтанинг меҳнати оғир бўлса, бунинг устига у Оролни еб қуритган бўлса, нега унда мустақиликка эришгач, пахта майдонларини кескин камайтирмадик деган савол ҳам туғилиши мумкин. Ёки шу пахта майдонини камайтириб, ўрнига бошқа нарса эксак фойда эмасми, деб, ўйлайдиганлар ҳам бор. Агар илмий ёндошсак, ҳисоб-китоб қилсак, бу фикр нотўғрилиги беш қўлдек маълум бўлади-қўяди. Бизнинг иқлим шароитимизда ердан самарали фойдаланишнинг энг яхши йўли — пахта. Масалан, пахтадан олинадиган ёғни бошқа ўсимликдан олмоқчи бўлсак, қўшимча 350 минг гектар ер керак бўлади. Чигитдан чиқаётган ем-шелуха ларни бошқа ўсимликдан олмоқчи бўлсак, тағин 350 минг гектар ер керак. Хуллас, пахтадан чиқиб турган қўшимча маҳсулотларни бошқа экинлардан олмоқчи бўлсак, бизга тахминан 1000-1200 минг гектар ер керак.

2-БЕТ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ТУТ ПАРВОНАСИ — МАЙДА КУШАНДА, БИРОҚ УНИНГ ЗАРАРИ...»

«Ўзбекистон овози» газетасининг шу йил 9 ноябрь сонида эълон қилинган «Тут парвонаси — майда кушанда, бироқ унинг зарари...» номли мақола Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда тизимдаги илмий муассасалар томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди.

Муаллиф мақолада ипак қурти учун озуқа манбаи бўлган тут дарахти зараркунандаси, яъни тут парвонаси келтираётган зарар, унга қарши кураш чоралари ҳақида шу соҳадаги етук олим ва мутахассисларнинг фикрини умумлаштирган. Унда Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти томонидан ишлаб чиқилган агротехник, биологик, механик ва кимёвий кураш усуллари батафсил берилган. Бу мақола ўз вақтида чоп этилган ва мутахассислар учун яхши йўриқнома бўлиб хизмат қилади, деб таъкидлаш жоиз.

Аммо тавсияларга жойларда тўлиқ риоя қилмаслик тут парвонасининг кўпайиб боришига олиб келмоқда.

Ҳозирги кунда вазирлик тизимидаги илмий-тадқиқот институтларида, жумладан, Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институтида бу зараркунандага қарши илмий асосланган самарали кураш чораларини ишлаб чиқиш бўйича изланишлар давом этмоқда. Бу илмий изланишларни олиб бориш учун етук олимлар жалб этилган. Келажакда бу изланишлар кўламини кенгайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Фан ва технологиялар марказига лойиҳа топширилди. АҚШнинг PL-480 гранти ҳам ажратилди. Ундан ташқари жорий йилда Молдова ва Россия олимлари билан ҳамкорликда бу зараркунанданинг феромон тутқичлари кенг майдонларда синовдан ўтказилди.

Келгусида феромон тутқичлардан кенг фойдаланиш юзасидан тадбирлар белгиланди.

Олимлар томонидан ишлаб чиқилган ***тавсиялар ўз вақтида ва оқилона татбиқ этилса,*** *зараркунанда республикамизда тарқалишининг ҳамда у етказадиган зарарнинг олди олинади деб ўйлаймиз.*

Шерали НУРМАТОВ,
республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазири ўринбосари, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази бош директори

ДОЛЗАРБ МАВЗУДА СУҲБАТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Кейин, мана, буғдойни олайлик, дон мустақиллиги биз учун жуда муҳим, албатта. Аммо 1 гектар экинзор ўртача 25 центнер ҳосил беради. Энг яхши буғдой дунё бозорида 140 доллар туради. Яъни 1 гектаримиз ҳозир сомон-помони билан 350-400 доллар беради. Агар пахтани, масалан, гектарига 25 центнердан деб олганимизда ҳам, тола баҳоси бугунги кунда 1,5 баравар тушиб кетишига қарамай, 1 гектар еримиз ҳозир ўртача 800-900 доллар даромад бериб турибди. Агар олдинги пайтдагидек пахта толаси 1400-1700 доллар бўлиб турганда 1 гектар еримиз 1500 доллар берар эди. Бизда шундай даромад бера оладиган яна қандай ўсимлик бор, айтинг?

— Ҳозир жами суғориладиган еримиз қанча? Ҳар гектар ерга ўртача қанча сув сарфланади?

— 1913 йилда Ўрта Осиёда ҳаммаси бўлиб 2,5 миллион аҳоли бор эди. Жами суғориладиган майдон минтақа бўйича 2,6 миллион гектардан сал берироқ эди. Ҳозир эса, ўзингиз биласиз, 55 миллионмиз, салкам 8 миллион суғориладиган ер мавжуд. Бизнинг минтақада аҳолининг 60-65 фоизи қишлоқларда яшайди. Демак, аҳолининг 60-65 фоизи ерга боғланган, ердан бошқа уларнинг кун кўрадиган манбаи йўқ. Биз ерга сингиб кетади. Ана энди сув исрофгарчилигини ўзингиз ҳисоблаб чиқаверинг. Бу — биргина бизнинг мамлакатда эмас, бутун минтақадаги ҳолат...

— Хўш, сувни қочирмасликнинг қандай йўллари бор?

— Биринчидан, каналлар бетон ёки плёнка билан қопланиши керак. Шунда сув камроқ йўқолади.

Илгарилари «тунги суғориш» деган гаплар бўларди. Тунда ғўза суғорганларни «тунги чироқлар» деб таърифлардик. Бунинг учун сувчилар, дала шийпонлари олдидан фонар, керосин, пиликлар билан таъминлаб қўйиларди. Ҳозир исталган хўжаликка бориб, керосин ё фонар сўранг, саволингизни тушунмайди. Ахир, нафақат агротехникада, қадим-қадим деҳқончиликда ҳам тунги суғориш — сувдан самарали фойдаланишнинг энг афзал усули эканлиги маълум-ку.

Сўнгги пайтларда бизда мироб касби йўқолиб бораяпти. Ҳолбуки, бу касб эгалари илгари деҳқончиликда энг бообрў одамлар бўлишган. Ахир, улар сувга жавоб берадиган, уни тақсимлайдиган, бир сўз билан айтганда, сувни тушунадиган одамлар-да! Қадим-қадимдан мироблар, мироб сулолалари бўлиб келган. Керак бўлса улар сувни ҳимоя қилишган. Ҳозир сувни ким ҳимоя қилади? Деҳқон — ҳам сувга эга, ҳам ерга... сувга қоровуллик қилармиди у?

— Оролни қутқариш Халқаро Жамғармасининг фаолияти ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Жамоатчилик фикрини шунчаки бир нарсага жалб қилиш учун жамғармалар тузиш — бу, бутун дунёда бор нарса. Оролни қутқариш жамғармаси ҳам аслида шу мақсадда тузилган. Шу жамғарма орқалигина масала ёритилаяпти, эътибор кучайтириляпти. Биз унинг фаолияти орқали минтақа ва дунё халқларига Орол муаммосининг илдизи қаерда эканлигини етказишга ҳаракат қилаяпмиз.

Жамғармамиз Орол сув ҳавзасини ўз ҳимоясига олади. Ҳавзада 1 миллион 710 минг квадрат километр ер бор. Денгизнинг ўзида унинг «тирик» пайтида бор-йўғи 63 минг квадрат километр сув юзи бор эди. Ҳозирги қолдиғи 23-27 минг квадрат километр атрофида. Демак, жамғармамизнинг мақсади минтақадаги ҳамма сув ҳавзаларини — кўллар ва дарёларнинг ҳам сувини асрашдан иборат. Қолаверса, Оролбўйи аҳолисига маънавий ва моддий кўмак бериш, уларга доим эътиборда эканлигини англатиб туриш ҳам бизнинг вазифамиз. Масалан, бундан 10-15 йиллар илгари Оролбўйи аҳолисининг руҳи тушиб кетганди. Уларнинг тирикчилик манбаи — Орол қуриб бораётгани эди-да...

Ҳаммага яхши маълум бўлса-да, шу ўринда алоҳида айтмоқчиман: Орол муаммоси, бу ҳудуддаги халқнинг турмуши ҳақида ҳеч ким Президентимизчалик куюнганини кўрганим йўқ. Агентликлар ҳам у кишининг ташаббуси билан тузилди: Чимбой, Қўнғирот, Бўстон ва Элликқалъада шундай агентликлар орқали ҳозир тадбиркорлик ишлари олиб борилаяпти. Масалан, биров: «мен 4 та буқа боқмоқчиман», бошқаси: «фалон ерни ўзлаштириб экин экмоқчиман», дейди. Агентликлар ана шундай одамларга амалий кўмак беради. Ўтган йили бутун Қорақалпоғистон бўйича ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг (пахтадан ташқари) 10-12 фоизи шу агентликлар ёрдами туфайли фаолият бошлаган фермерлар ва оилавий пудратчилар зиммасига тўғри келди. Жамғармамиз бу ишлар билан 4 йилдан бери шуғулланаяпти. Бошида одамлар бу ишга совуқроқ муносабатда бўлишганди. Ҳозир эса кўпчилик ёрдам сўраб банкка эмас, жамғармага мурожаат қилишаяпти. Чунки агентликда кредит фоизга берилмайди. 100 сўм олдингми, инфляция миқдори билан (бизда фақат инфляция миқдоригина ҳисобланади!) шуни ўзини қайтар вассалом. Шунинг учун ҳозир агентликларга талаб ортмоқда.

Бундан ташқари, жамғарма Қорақалпоғистонда ҳар йили 2-3 тадан кўл ташкил қилишни режалаштирган. Чунки денгизнинг катта қисми қуриган. Қуриган ерлардан чанг, қум, туз кўтарилиб, экинзорларга зиён келтиради. Бундан 5-6 йил илгари 700 килограммгача туз аралаш қум далага ва одамлар яшайдиган жойларга ёғилиб турарди. Ҳозир бу жойларда кичкина-кичкина кўллар пайдо қилинмоқда. Кўллардаги сув буғланиб, кўтарилаётган қум ва чангни ушлаб қолади.

Иккинчидан, кўллар бу ерларга намлик бериб, ўсимликларнинг ривожи учун шароит яратаяпти. Ҳозир бу жойларнинг 70 фоизи яшиллик билан қопланган. Агар бу ишлар шу тарзда давом этса, 2007-2008 йилларга бориб, Оролнинг қуриган ерларидан бир грамм ҳам чанг ҳавога кўтарилмайди, деган умидимиз бор.

Бундан ташқари, илгари бу ерларда яшовчи 10-15 минг аҳоли учун на деҳқончилик қилишга, на чорвачилик ё балиқчилик билан шуғулланишга шароит қолмаганди. Ҳозир кўлларда балиқлар пайдо бўлди. 2007 йилда аҳоли шу кўллардан камида 2-3 минг тоннагача балиқ ушлаш имкони кутилмоқда. Мақсад — бу ерларда 230 минг гектар кўл ҳосил қилиш. Ҳозир шундан 90 минг гектари тайёр бўлай деб қолди. Агар 230 минг гектар кўл ҳосил қилсак, кейин бемалол улардан 5-6 минг тоннага қадар балиқ овлаш мумкин. Яна бир қувончли жойи — шу йил эрта баҳорда бу ерларга турналар қайтганини кўриб биласизми, одамлар қанчалик шодланишганди. Кўллар пайдо бўлгач, турли қушлар: ўрдаклар, ғозлар ҳам бу ерларга қайтади.

Орол бўйида Судочье кўли алоҳида аҳамиятга эга. Ҳозир шу кўлни тикладик. Унга 670 млн. кубометр сув тушди. 46 минг гектар ер сув билан тўлиб, 3 млн. 900 АҚШ доллари ҳажмида иш бажарилди. Судочье дунё «Қизил китоби»га киритилган. Боиси, китобга кирган 5-6 хил қуш қиш фасли арафасида Норвегия ва бошқа шимолий мамлакатлардан Осиёнинг иссиқ ўлкаларига учишда 2-3 ойлаб Судочьеда қўниб, дам олиб, кейин пастга — Ҳиндистон томонга кетишади. Қайтишда ҳам худди шундай. Агар Судочьеда сув бўлмаса бу қушлар узоқ масофа оралиғида қўналғалик жой тополмай нобуд бўлиб кетиши мумкин. БМТнинг Рамсар конвенцияси, яъни биологик хилма-хилликни сақлаш конвенцияси ҳужжатларида «Қизил китоб»га кирган қушлар ва ҳайвонларни сақлаш учун зарур бўлган кўл ва ўрмонлар ҳам ҳимояга олинган. Бизнинг минтақадан биргина Судочье кўли мазкур конвенция рўйхатига киритилган.

— Оролни қутқариш бўйича қўшни давлатлар билан қандай ҳамкорликлар бор? Хусусан, Сирдарё муаммосининг ечими қай ҳолатда?

— Сирдарё муаммоси Амударёникидан оғирроқ. Унинг суви Амударёдан 2 марта камроқ. Амударёда 70 млрд. кубометр сув бўлса, Сирдарёда 35 млрд. кубометр. Амударёга минтақамизнинг 15 миллион аҳолиси тақдири боғланган бўлса, Сирдарёда бу рақам 25 миллион. Амударё ҳавзасида саноат тармоқлари деярли йўқ. Кўзга кўринган, дарёни заҳарлайдиган йирик саноат корхоналари мавжуд эмас. Сирдарёда эса, эҳ-ҳе... Дарё бошида аввал Қирғизистон, кейин Ўзбекистон, сўнгра Қозоғистон давлатлари бор. Фарғона водийсининг ўзида Сирдарё сувидан фойдаланувчи 11 миллион аҳоли бор. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг 4,5 миллион аҳолиси юки ҳам Сирдарё зиммасида. 2,5 миллион аҳолиси бўлган Тожикистон саноатининг 50 фоизи шу дарё қирғоқларига жойлашган. Улар ҳам бор-йўғини Сирдарёга оқизади. Мундоқ олиб қараганда, Сирдарё ўзи дарё бўлса ҳам оқим сатҳи ҳовуздай. Ундан ташқарига сув чиқадиган жой йўқ. Сувни қаерга ташламайлик, эртага унинг ифлосланган ва заҳарланган қисми барибир дарёга тушаверади. Демак, дарёдан фойдаланувчи давлатлар ўзаро ҳамкорлик қилмаслигининг иложи йўқ.

У шундай дарёки тепа қисмда юз бераётган ифлосланиш пастдагиларни заҳарлаши тайин. Илгари ота-боболаримиз арикда ҳатто юзларини ювишмаган. Сувга тупуриш, чиқинди ташлаш гуноҳ саналган. Ўзидан қуйидагиларни ўйлашган. Ҳозир қани бу фалсафа! Мана шу муаммоларни ҳеч бир газета ёки журнал ҳали тўла ёритганича йўқ. Ҳеч ким юракка бориб қадаладиган даражада ёзмаяпти. Сув масаласини миллий сиёсат даражасига кўтармагунимизча кўзланган мақсадга етишимиз қийин. Биласизми, аслида сув ифлосланиш ва заҳарланиш туфайли ишдан чиқади. Заҳарланган сув ернинг тинкасини қуритади. Агар ер кучи йўқолса, ҳеч қандай давлат, ҳеч қандай мамлакат мустаҳкам бўлолмайди.

Ер — тирик жон. Уни сен боқсанг, у сени боқади. Ерни озиқлантириш керак. Озиқлантириш дегани фақат минерал ўғитлар солиш, дегани эмас. Ернинг бир олим айтганидек, табиий плуг (қўш)лари — чувалчанглари бўлиши керак. Бундан 15 йил илгари Ўзбекистонда 760 минг гектардан ортиқ бедазор бор эди. Ўшанда 3 млн. 800 гектар суғориладиган ер ҳам мавжуд эди. Ҳозир юртимизда, амалда билмадим-у, қоғозда 200 минг гектарча бедазор бор. Бедазор — бу тирик лаборатория. У ер ости минералларини кўпайтиради. Бизда эса ҳозир тупроқ гумуси 1,5 озиқ кучига тушиб қолган. Ўртача бўлиши учун гумус 2,5 озиқ кучига эга бўлиши керак — еримиз кам озиқ, кучсизланган. Ёки илгарилари 1 гектар ерга ҳар 3 йилда бир марта 6-10 тонна гўнг олиб чиқиларди. Менимча, ҳозир бу ҳисобкитоб, деярли йўқолди.

Сиз ҳозир Орол муаммосига буларнинг нима алоқаси бор дейишингиз мумкин. Масалан, олимлар ҳам нуқул маълумот келтиришади: голландлар бир гектар ердан 400-600 центнер картошка оларкан, германлар гектаридан 60-70 центнер буғдой етиштираркан, бизда гектаридан 60 центнер буғдой олувчи миришкорлар бор ва ҳоказо... Лекин республика бўйича бу кўрсаткичларни гектар бошига бўлиб чиқсангиз, ҳосилдорлик барибир 30 центнер атрофида бўлади. Айтишади-ку, бир дарахт ҳам — дарахт, лекин у — ўрмон эмас, деб. Агар ҳамма гектарлардан 50-60 центнердан буғдой ололганимизда эди, 4 млн. тонна буғдой ишлаб чиқариш учун 1 млн. 200 минг гектар ер керак бўлмасди. Тенг ярми керак бўларди, балки. Ваҳоланки, 25 центнер ҳосилга ҳам, 50 центнер ҳосилга ҳам бир хил миқдорда ер ва сув сарфланади. Демоқчиманки, ерни кўп банд қилиш — сувнинг ҳам кўп сарфига сабаб бўлади.

Агар ҳосилдорлик ошса, сарфланаётган сувимизга ҳам ачинмасдик, «етарли ҳосил олдик, сувни бекорга сарфламадик», деб қувонардик. Кўп ҳосил олинса фойда кўпаяди, деҳқончилик оёққа туради. Деҳқончилик оёққа турса, деҳқон бойийди, ерга алоҳида муносабат учун имконият пайдо бўлади.

Алоқаларга келсак, жамғармамизни минтақадаги 5 та республика Президентлари тузган. У — Халқаро жамғарма. Ҳар икки йилда жамғарма Президенти алмашади. Демоқчиманки, алоқалар ҳукуматлар миқёсида. Аммо Орол муаммоси бўйича энг қийналгани — бу, Ўзбекистон ва Қозоғистон. Сув бошида турган Қирғизистон баъзан «биз сув бошидамиз», — деб яккаҳокимлик қилмоқчи бўлади. Лекин биз тил топишга ҳаракат қилаяпмиз. Чунки минтақадаги сув муаммосини бир давлатнинг гегемонлиги ҳукми билангина ҳал қилиб бўлмайди.

— Сибирь сувларини Оролга оқизиш масаласига муносабатингиз қандай? Айтишларича, сиз бу фикрга қарши эмишсиз?

— Энди сизга бир савол: ким ўз юрти муаммосининг ечилишига қарши бўлади? Биласизми, бу масалада менга журналистлар кўп бор мурожаат қилишди. Гўёки Оролга сув олиб келинишига мен қарши эмишман. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, Сибирь дарёларини олиб келиш — бу жуда мураккаб иш. Унинг биринчи қисмини олиб келиш учун (узунлиги 2,5 минг км.) 20 млрд. доллар пул керак бўлади. Бундай маблағ минтақада борми? Сибирь сувлари олиб келинганда ҳам бизга 10 минг кубометр сув келиши мумкин. Уни Оролга тинмай қуйсак ҳам, денгиз сатҳи лоақал 1 сантиметрга кўпаймайди. Оролни ҳозирги ҳолатда сақлаб туриш учун бир йилда 23 миллиард кубометр сув керак. Сув мўл пайтларда унга 11-18 минг кубометр сув тушаяпти, холос.

10 километр куб сув олиб келиш учун 1 млрд. доллар сарфланади. Тағин, Оролгача Сибир сувларини 8 марта насос билан кўтариш керак. 35 млрд. электр энергияси талаб қилади. Ўзбекистон аҳолиси эса 1 йилда 75 млрд. электр энергия сарфлайди. Сибирь сувларини олиб келиш қанчалик амалий асосга эга ёки эга эмаслигини ўзингиз арифметика қилиб олаверинг. Ҳозирча мумкин бўлмаган нарса билан жамоатчиликни чалғитмасдан, қўлимиздан келадигани — бор сувдан самарали фойдаланишни амалга оширсак бўларди. Сув масаласини миллий сиёсат даражасига кўтармагунимизча, такрор айтаман, сув сиёсатида ўзгариш бўлиши қийин. Бу кўпчиликнинг фикри.

— Янги йил арафасида ҳамюртларимизга тилакларингиз.

— Янги йилда сувимиз сероб бўлсин. Ҳар бир инсон, оила ниятига етсин. Яхши ният билан бошлаган барча ишларимизга парвардигор мададкор бўлсин!

■ **Сафар ОСТОНОВ суҳбатлашди**

ОРОЛГА ТУРНАЛАР ҚАЙТАДИ



— СУВ МАСАЛАСИНИ МИЛЛИЙ СИЁСАТ ДАРАЖАСИГА КЎТАРМАГУНИМИЗЧА КЎЗЛАНГАН МАҚСАДГА ЕТИШИМИЗ ҚИЙИН, — ДЕЙДИ ОРОЛНИ ҚУТҚАРИШ ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМАСИ GEF АГЕНТЛИГИ РАҲБАРИ РИМ АБДУЛОВИЧ ГИНЯТУЛЛИН.

ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИ

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

мамлакатимизда кенг нишонланди. Ушбу санага бағишлаб жойларда ўтказилган хилма-хил тадбирларда партия ташкилотлари баҳоли қудрат иштирок этдилар. Масалан, **Ўзбекистон ХДП Марҳамат туман ва Ангрен шаҳар кенгашлари** саъй-ҳаракатлари билан «Электртехника» ва «Ўзбекрезинатехника» ҳиссадорлик жамиятларида, **Андижон шаҳар партия кенгаши** раҳбарлигида «Мустақиллик», «Саъдий» маҳаллалари ва қатор бошқа жойларда, **Бўз туман партия кенгаши** бошчилигида «Ўзбекистон» ширкат хўжалигида, **Улуғнор ва Қўрғонтепа партия кенгашлари** иштирокида партиядош-зиёлиларни бирлаштирувчи бир неча ҳудудий партия ташкилотларида Конституция куни муносабати билан учрашув, суҳбат, йиғилиш, маъруза ва мулоқотлар бўлиб ўтди. Уларда кенг жамоатчилик вакиллари, партия ва маҳалла фаоллари қатнашдилар. **Олмалиқ ва Чирчиқ партия кенгашлари** Ўзбекистон Конституцияси мавзуида шаҳар конференцияларини ўтказишга муносиб ҳисса қўшдилар. **Пешку, Тахтакўпир** ва бир қатор бошқа туман, шаҳар партия кенгашлари ёшлар ўртасида «Конституция ва қонунларни биласизми?» мавзуида кўрик-танловлар, савол-жавоб кечалари ташкил этдилар.

ТУРЛИ ТАДБИРЛАР

«Огоҳлик – муқаддас бурч» мавзуидаги учрашувга шаҳар ёшлари вакиллари таклиф этилдилар. Маърузачилар – **Ўзбекистон ХДП Асака шаҳар кенгаши** биринчи котиби М.Дадажонов, прокуратура, ички ишлар бўлими масъул ходимлари огоҳликнинг моҳияти, унинг замон талабига айланганлиги боиси, ёшларнинг бу борадаги бурч ва вазифаларини тушунтириб бердилар.

Амударё туман партия кенгаши туман хотин-қизлар қўмитаси ва Германиянинг Ўзбекистондаги «Крес интернейшнл» корхонаси вакиллиги билан ҳамкорликда маҳаллий аёллар вакиллари учун «Оила маънавияти ва тараққиёти» мавзуида марокли «давра суҳбати»ни уюштирдилар. Келажакда бундай тадбирларни туманнинг маҳалла ва қишлоқларида мунтазам ўтказишга қарор қилинди.

Мазкур туман партия кенгаши раҳбарлигида ХДПдан халқ депутатлари туман Кенгашига сайланган Ф.Эрманов, Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан «Мангит» ширкат хўжалиги ҳудудида истиқомат қилувчи 70 нафар отахон ва онахонлар, фаоллар учун хайр-эҳсон дастурхони ёзиб, кекса авлод вакилларини эъзозлаш умумхалқ ишига муносиб ҳисса қўшди.

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги кўз касалликлари шифохонасида янги тажрибаларни қўллаш бўйича муҳим тадбирлар амалга оширилаётир. Хусусан, туғма катаракта, кўз жароҳати асоратлари, кўз шамоллаши сингари касалликларни даволашда бу ерда энг замонавий техник воситалардан фойдаланилмоқда.

Шуни эътироф этмоқ жоизки, шифохонага нафақат пойтахт ёки вилоятлардан, балки, қўшни республикалардан ҳам даво истаб келувчиларнинг сони тобора ортиб бормоқда.

— Болалардаги бундай касалликларни даволашда ҳаракатларимиз яхши самара беряпти, — дейди шифохонанинг болалар бўлими бошлиғи Абдуҳаким Акрамов. — Нимаики ютуқларга эришган бўлсак, бунга жамоамиздаги аҳиллик ва янгиликка чанқоқлик сабаб. Аммо, таъкидлашни истардим, бу борада бош шифокоримиз Клара Саидованинг ҳиссаси катта. У кишининг ташаббуси билан Бутунроссия кўз ва пластик хирургия маркази профессори Э.Мулдашев билан мунтазам боғланиб турибмиз. Профессорнинг тавсиясига биноан энг замонавий кўз микроскопини сотиб олдик. Бу эса операцияларимизнинг янада сифатли чиқишини таъминлаётир.

✧✧✧

Суратларда: *болалар бўлими бошлиғи А.Акрамов ва Зулайҳо Хидоятова; Гулчеҳра Тошмуҳамедова беморни кўздан кечираётган пайт.*

■ **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

ОБОД МАҲАЛЛА — МАМЛАКАТ КЎРКИ

Ҳар қайси инсон, ҳар қайси хонадон ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида, одамларнинг бошини қовуштириш, турар жойларда тартиб-интизомни мустаҳкамлашда, ўзини ўзи бошқариш тизимини жорий қилишда маҳалланинг роли, аҳамият ва моҳияти кундан-кунга ошиб бораётганини барчамиз кўриб турибмиз.

Ислом КАРИМОВ

ЎЗ УЙИНГ — ЎЛАН ТЎШАГИНГ

Пахтачи туманидаги Мисит қишлоқ фуқаролар йиғинига 6 та маҳалла бирлашган. Биз маҳалла оқсоқоллари билан ҳамкорликда, бамаслаҳат иш олиб бориб, боқувчисини йўқотган ва ночор оилалар аҳволидан мунтазам равишда хабардор бўлиб турибмиз. Баҳоли қудрат моддий ва маънавий ёрдам бераяпмиз. Маҳалла ҳудудларини тез-тез айланиб саранжом-саришталикни, ободончиликни янада яхшилаш ишларига жиддий эътибор бермоқдамиз. Қишлоқ кўчалари, аксарият йўллар асфальтланган. Ҳовлилар тоза, деворлари ва дов-дарахтлар оқланган.

Маҳалла участка нозирларига икки нафардан посбонлар биркитилган. Кечалари мунтазам тунги навбатчилик ташкил этилган бўлиб, бironта ҳам кўча назоратсиз қолмайди. Бу тадбирлар маҳалламиз ҳудудида фуқароларнинг осойишталигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Бугун маҳалла кичик мамлакат тимсолига айланиб бораётганлиги жуда қувончли. Мамлакатни тинчлик ва фаровонликка элтиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас ва шарафли бурчи. Кўпни кўрган, катта ҳаёт тажрибасига эга қарияларимиз: «Ўз уйинг, ўлан тўшагинг» дейишади. Бу ибратомуз сўзларни маҳаллага нисбатан ҳам ишлатиш мумкин. Уй ва маҳалла обод, кўркам, озода ва тинч бўлиши керак. Бунга не етсин.

■ **Усмон ҲАМРОЕВ, Мисит қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.**

ВАТАН ТИМСОЛИ

Маҳалла миллатнинг мустаҳкам кўрғони, Ватан тимсоли. Оғир-енгил кунларимизда қувонч ва мусибатларимизга маҳалладошлар ҳамнафасу елкадош бўладилар.

Маҳалламиз Андижон шаҳрининг Янги шаҳар ҳудудида жойлашган. Андижон шаҳар ҳокимлигининг ҳаракати билан шаҳарсозлик меъморчилиги асосида истиқлол йилларида янгидан чирой очди.

Бозор иқтисодиёти шароитида ўз-ўзини бошқариш тизими мустаҳкамланиб бормоқда.

Маҳалламизда коммунал тўловлар яхши йўлга қўйилган. Яъни, коммунал тўловлари маблағидан ўн фоизи маҳалламизда қолади. Кам таъминланган оилаларга ёрдам тарзида сарфланяпти. Коммунал тўловларини вақтида ҳисоб-китоб қилишдан маҳалладошларимиз баҳраманд бўлишяпти.

Бундан ташқари, маҳалламизнинг банкда ўз ҳисоб рақами борлиги анчагина қўл келяпти. Эндиликда ҳеч бўлмаганда 3-4 маҳаллага ҳудудий тарзда ҳисобчи ажратиш керак. Бу, албатта, маҳаллалардаги тушумларни тўғри сарфлашга ёрдам беради.

Яна бир гап. Кўпчиликнинг ҳаракати билан маҳалламизда тартиб-интизом мустаҳамланди.

Қисқаси, Президентимиз илгари сурган «Обод маҳалла йили»да янада изчил ишлаймиз. Юртбошимиз ташаббусини меҳнатимиз билан оқлаймиз.

■ **Сардор ШАМСУДДИНОВ, Андижон шаҳридаги Султон Жўра маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**

Ўзбекистон ХДП Қораўзак туман кенгаши ташаббуси билан марказий касалхонада уюштирилган шундай тадбир «Қариялар, дунё сизлар билан гўзал!» деб номланди.

Балиқчи туман партия кенгаши маҳаллий ҳокимият ва қатор жамоат бирлашмалари томонидан ташкил қилинган Рамазон ҳайитида боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар, бемор ва якка қариялар ҳолидан хабар олиб, уларга совға-саломлар улашиш тадбирида фаол иштирок этди. Ушбу мақсадда қарийб 100 минг сўм сарфланди.

ХДП Хива туман кенгаши томонидан қатор жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкил этилган уч авлод вакилларининг бир пиёла чой устидаги учрашуви қизиқарли ўтди. Унда сўзга чиққан туман партия кенгаши биринчи котиби А.Бобожонов, туман ҳокими муовини М.Бекчонов ва бошқалар мустақиллик йилларида республикамиз, Хоразм вилояти ва Хива туманида рўй бераётган ўзгаришлар, катта авлод вакилларининг унга қўшган ҳиссаси, Ўзбекистон Конституциясининг демократик жамият асосларини бунёд этишдаги аҳамияти, давлатимизнинг ҳам кексалар, ҳам ёш авлод тўғрисида қилаётган ғамхўрлиги ҳақида гапирдилар. Учрашувда катта концерт берилиб, кўпларга эсдалик совғалари топширилди.

ПАРТИЯ ХАЁТИ ЯНГИЛИКЛАРИ

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши ижроия бюроси партия матбуоти нашрларига 2003 йил учун обунанинг боришини таҳлил қилиб, бу соҳадаги ишни сусайтирмаслик тўғрисида қарор қилди.

Обунани уюштиришнинг аҳволи кўриб чиқилган, **Фарғона вилоят партия кенгаши** ижроия бюроси йиғилишида ХДП Қўқон ва Қувасой шаҳарлари ҳамда Олтиариқ туман кенгашларининг бу соҳадаги ижобий ишлари қайд қилиниб, Охунбобоев, Ёзёвон, Данғара, Қува ва бошқа бир қатор туман партия ташкилотларининг сусткашликка йўл қўйганликлари қаттиқ танқид қилинди.

Хоразм вилоят партия кенгаши партия тузилмалари масъул ходимлари иштирокида ХДП шаҳар ва туман ташкилотларида молиявий-хўжалик фаолиятини яхшилаш, ички партиявий ишларни Ўзбекистон ХДП Низоми талабларига мувофиқ олиб бориш масалаларига бағишлаб махсус семинар ўтказди. Семинар қатнашчилари Урганч шаҳар ва Урганч туман партия кенгашларининг бу соҳадаги тажрибаси билан жойида танишиш имкониятига эга бўлдилар.

Мамлакатда бошланган парламент ислоҳотида Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг иштироки масаласи **Чимбой туман партия кенгаши** ўтказган фаоллар йиғилишида муҳокама қилиниб, вазифалар белгиланди.

Ушбу масала ва у билан боғлиқ қонунлар лойиҳалари **Чирчиқ шаҳар партия кенгаши** ижроия бюроси қарори билан бошланғич партия ташкилотларининг аксариятида бўлиб ўтган очиқ йиғилишларда кўриб чиқилиб, қатор таклифлар киритилди.

Нукус туман партия кенгашида бўлиб ўтган фаоллар йиғилиши эса Ўзбекистон ХДПнинг Экологик дастурини амалга ошириш масалаларига бағишланди.

ТАЪЛИМ ВА ТАРАҚҚИЁТ

МАКТАБ – ЮКСАЛИШ ҚАНОТИ

дейди Қашқадарё вилояти Халқ таълими бошқармаси бошлиғи, тарих фанлари номзоди Рустам РАЖАБОВ

Суҳбатда тилга олинган мавзулар:

- **Ўқувчиларни дарслик билан таъминлашдаги ислоҳотлар.**
- **264 ўқувчининг 231 нафари Олий ўқув юртларига ўқишга кирди**
- **Эркак ўқитувчилар мактабни нега тарк этишяпти?**
- **Тарих ва таълим-тарбия**

— Халқ таълими тизимидаги ислоҳотлар Қашқадарё вилояти мисолида нималарда кўринади?

— Фарзандлар камолотида мактабнинг ўрнига таъриф йўқ. Мамлакатимизда мустақиллик йилларининг илк кезлариданоқ халқ таълими тизимида ислоҳотлар ўтказиш тадбирлари ишлаб чиқилишининг боиси ҳам шунда. Хусусан, «Таълим ҳақида»ги Қонун қабул қилингани бунга ёрқин мисол. Лекин ҳаётда қонун қабул қилиш билангина иш битмайди. Уни амалга татбиқ қилишни ҳам ўйлаш керак. Бунинг учун тизимдаги ҳар бир мутасадди аввало, ўзини ислоҳ этиши лозим.

Шу маънода, биз яқинда вилоят халқ таълими муассасалари раҳбарларини аттестациядан ўтказдик. Гапнинг очиғи, уларнинг кўпи бугунги кун талабларига жавоб бера олмаяпти.

Яна бир гап: вилоят мактабларида таълим олаётган ўқувчиларни етарли даражада дарслик билан таъминлаш мумкинми? Мумкин. Шу йил январь ойидаги 66 фоиз ўқувчи дарслик билан таъминланган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 98 фоизни ташкил этмоқда. Жумладан, ҳомий ташкилотлар томонидан 54609295 сўмлик, тизимимиздаги айланма маблағ ҳисобидан эса 16360000 сўмлик дарсликлар ва ўқув қўлланмалари сотиб олиш ташкил этилди. Аниқроғи, вилоят таълим муассасаларидаги ўқувчиларни кутубхона заҳирасидаги дарсликлар билан таъминлашда ва дарсликлар жамғармасини шакллантиришда давлат бюджети ҳамда вилоят ҳокимлиги томонидан ажратилган маблағ катта ўрин тутмоқда. Ва яна айрим юртдошларимизнинг ҳомийлиги томонидан тўпланган ихтиёрий жамғарма эвазига келтирилган дарсликлар...

— Бу йил Ғузор туманининг «Тугал» қишлоғи ҳудудида жойлашган Жаҳон тиллари лицей-интернатини тугатган ўқувчиларнинг ҳаммаси олий ўқув юртларига киришибди. Умуман, вилоят миқёсида бундай кўрсаткич қай даражада?

— Энг муҳим масалалардан бири ҳам шу. Бир вақтлар ижтимоий муҳит — ижтимоий онгни белгилайди, деган ибора мавжуд эди... Демоқчиманки, таълим берувчилар нечоғлик билимли, фикрлари бой, салоҳияти юксак бўлса, сабоқ олгувчилар ҳам (табиийки) уларга тақлид қилишади. Шу маънода, вилоятимизда иқтидорли ўқитувчилар кўп, иқтидорли ўқувчилар ҳам. Дейлик, вилоятда ихтисослашган мактабларни 2000-2001 ўқув йилида тугатган 1300 ўқувчининг 1061 нафари, 2001-2002 ўқув йилида эса худди шундай мактабларнинг 11-синфини тугатган 264 ўқувчининг 231 нафари олий ўқув юртларига киришга муваффақ бўлишди. Бу борада, албатта янада яхши натижаларга эришмоғимиз лозим. Зотан, Юртбошимиз айтганларидек, **«Бизга битирувчилар эмас, мактаб таълими ва тарбиясини кўрган шахслар керак».**

— Вилоятда бир неча йил аввал юз берган зилзила айрим мактабларга ўз таъсирини ўтказганди. Ҳозир шу мактаблар тақдири нима бўлди?

— Дарҳақиқат, 3 йил давом этган зилзила талафотлари боис, 400 га яқин таълим муассасалари қайта қурилди. 200 дан ортиқ мактаб таъмирланди. Эндиликда улар 8 баллик зилзилага ҳам дош бера олади.

— Мактабларда негадир борган сари эркак ўқитувчилар камайиб кетяпти. Бу нимадан?

— Саволингизни бироз «таҳрир» қилсам, майли-ми..? Эркак ўқитувчилар «камайиб» кетаётгани йўқ, аниқроғи, улар мактабни тарк этишяпти...

Эркак — оила бошлиғи. Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида у ўз оиласини боқиши, кийинтириши, ўқитиши... ва шу мақсадларда кўпроқ ҳаракат ҳам қилмоғи керак. Тўғриси, эркак кишининг «топиш-тутиши» дуруст бўлмаса ижтимоий муаммолар туғилиши, табиий, шундайми?

— Фикрингизга эътирозим йўқ. Аммо, ҳозир республика бўйича 120541 нафар ўқитувчи бўлиб, бунинг атиги 18807 нафари эркаклар экан. Дейлик, ана шундай шароитда мутахассисларнинг фикрича, бир кунда камида тўрт муаллима билан мулоқотда бўлган ўғил бола ўзи сезмаган ҳолда устози табиатидаги қайси бир жиҳатлар таъсирида ўсаркан...

— Гапингизда жон бор. Нафақат мактаб, балки оилада ҳам эркак — ота тарбиясини кўрмаган, отадан ибрат олмаган ўғил болаларда кўпинча эркакона хусусиятлар камроқ бўлади. Балки бу фикрларим кимгадир нисбийроқ туюлар, лекин, бу ҳаётий хулоса. Ҳали кўрарсиз, эркак ўқитувчилар яна мактабларга қайтишади, ҳозирги ҳол вақтинчалик...

— Домла, мана, сиз тарихчи олимсиз. Тарих — улуғ мураббий деймиз. Барча сабоқларни тарихдан оламиз. Шу маънода, миллат болаларининг маърифатли бўлишларида тарихнинг ўрни хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз?

— Тарбия ва тарих... Бирбирига ҳамоҳанг тушунчалар. Аждодларимиз қолдирган маънавий-маърифий мерослар: китоблар, рисолалар, панд-насиҳатлар... Дейлик, Навоий ҳазратларининг «Лисон ут-тайр»идан тортиб, Абу Наср Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри» рисоласи, ёки «Қобуснома»-ю Рабғузий ҳикматлари ... буларнинг барчаси сизу биз назарда тутган ҳаёт сабоқлари. Эндиликда биз буларни миллат болаларига кўпроқ ўқитишимиз, тарғибот қилишимиз керак. Токи, улар фидойи, жасур ва миллатпарвар аждодларимизга ҳавас қилишсин, ибрат олишсин... Шундагина ёшларимизда маърифий-маънавий тарбия шаклланиб боради.

■ **Илҳом КАРОМОВ**

ТАДБИР

ИЖОДИЙ УЧРАШУВ

Пойтахтимиздаги «Турон» илмий-универсал кутубхонаси ўқув залида шаҳар ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, талабалар, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот институтлари ходимлари ва кўплаб ижодкорларнинг ижодий учрашуви бўлиб ўтди. Шу муносабат билан кутубхона ўқув залига қўйилган турли мавзудаги кўргазма (стенд)ларга яна бир кўргазма қўшилди. Унда кўзга кўринган адабиётшунос олим, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний мукофоти лауреати Наим Каримовнинг ижодий йўли, адабий фаолияти ва адиб ёзган барча китоблардан намуналар қўйилди.

Адабиётшунос олим, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарофиддинов тадбирни очиб, Наим Каримовнинг сермазмун ижоди ҳақида маъруза қилди. Сўзга чиққан Ўзбекистон халқ ёзувчилари Ўткир Ҳошимов, Шукрулло, шоир Тўлан Низом, «Турон» кутубхонаси директори Вазира Собирова, академик Бахтиёр Назаров, адабиётшунос олима Суюма Ғаниева, профессор Умарали Норматов ва бошқалар ижодкорнинг адабиётшунослигимизга қўшган ҳиссаси, илмий ижодий фаолияти ва ҳаётдаги ўрни ҳақида фикр юритдилар.

Учрашув сўнгида санъаткорларнинг мусиқавий табриклари тадбирга файз бағишлади.

■ **Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

«ЛИКУД»МИ ЁКИ «АВОДА»?

ИСРОИЛ ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВЛАРИ АРАФАСИДА

2003 йил январь ойининг охирида мамлакатда парламентга сайловлар бўлиб ўтади. Унда қайси партия вакиллари кўп ўринга эга бўлсалар, шу партия номзоди ҳукуматни бошқаради. Исроилда сиёсий партиялар кўп. Бироқ «Ликуд» билан «Авода» асосий сиёсий партиялар ҳисобланади. Одатда, сайловларда гоҳ у, гоҳ бу партия вакиллари ғолиб чиқишади. Аксарият ҳолларда парламент сайловларида ягона бир партия мутлақ кўп ўринга эга бўлмаганлиги учун кўпинча коалицион ҳукумат тузилади. Ҳозирги бош вазир Ариэл Шарон «Ликуд» партиясининг вакили. У, ўтган сайловда «Авода» партияси вакиллари билан ҳамкорлик қилиб коалицион ҳукумат тузган эди. Бу ҳукуматнинг ваколати аслида 2003 йилнинг кузида тугаши керак эди. Бироқ бош вазир парламентни тарқатиб юборишга қарор қилиб, муддатидан саккиз ярим ой олдин сайлов белгилади. Ариэл Шарон нега шундай қарорга келди?

Шу йил ноябрь ойининг бошида мамлакатда ҳукумат танглиги юз берди. Яъни, Кнессет — парламент депутатлари 2003 йил бюджети бўйича аниқ бир қарорга кела олмаганликларидан кейин «Авода» партиясининг ҳукумат таркибига кирган аъзолари бош вазир Ариэл Шаронга истеъфога чиқиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилдилар. Бош вазир бунга рози бўлди. Ундан бироз вақт олдин эса Исроилнинг таниқли давлат ва жамоат арбоби, ташқи ишлар вазири Шимон Перес истеъфо берган эди.

Ана шундай вазиятда Ариэл Шарон мамлакатдаги диний ҳамда ўта ўнг қарашдаги партиялар билан ҳамкорлик қилиб, яна коалицион ҳукумат тузиши мумкин эди. Бироқ у Яқин Шарқдаги ҳозирги қалтис вазиятда АҚШ билан яхши муносабатларни сақлаб қолиш мақсадида ундай қилмади. Чунки Америка Қўшма Штатлари ҳукумати диний ҳамда ўта ўнг қарашдаги партиялар таъсирида Яқин Шарқдаги вазият яна ҳам кескинлашиб кетишини хоҳламасди. Шунинг учун ҳам Ариэл Шарон кўп мулоҳазалардан кейин Кнессетни — парламентни тарқатиб юборишга қарор қилди. Мамлакат президенти уни маъқуллади. Шундай қилиб, парламент сайловлари муддатидан олдин ўтказиладиган бўлди.

Ноябрь ойида ҳукумат танглиги юз бериб турган пайтда Ариэл Шарон бўшаб қолган ташқи ишлар вазири лавозимига партиявий сафдоши, собиқ бош вазир Биньямин Нетаньяхуни тавсия этди. Кнессет кўпчилик овоз билан уни тасдиқлади. Бироқ Биньямин Нетаньяху бу лавозимни вақтинча, яъни парламент сайловигача эгаллайди.

Албатта, парламент сайловларида мамлакатдаги барча партиялар қатнашади. Бироқ ғолиблик учун кураш асосан «Авода» билан «Ликуд» партиялари ўртасида бўлади. Парламент сайловларида қайси партия Кнессетда кўп ўринга эга бўлса, ўша партия етакчиси бош вазир лавозимини эгаллайди. Бироқ Исроилда кўп йиллар мобайнида якка партиявий ҳукуматдан кўра, кўппартиявий, яъни коалицион ҳукумат тузиш анъанаси шаклланган.

Яқинда мамлакатнинг етакчи сиёсий партияларида ички сайловлар бўлиб ўтди. Уларда парламент сайловлари олдидан партияларнинг бош вазирликка номзодлари кўрсатиладиган етакчилари аниқлаб олинди.

Жумладан, «Ликуд»нинг ички партиявий сайловида етакчиликка икки номзод қўйилди. Яъни, Ариэл Шарон билан Биньямин Нетаньяху. Ички партиявий сайловда 60 фоиз овоз олган Шарон ғолиб чиқди. Агар «Ликуд» вакиллари парламент сайловида ғолиб чиқиб, Кнессетда кўп ўринга эга бўлсалар, унда Ариэл Шарон яна бош вазир лавозимини эгаллайди. Бироқ унинг ўзи кўпроқ бошқа партиялар билан ҳамкорлик қилиб, коалицион ҳукумат тузиш эҳтимоли борлигига шама қилмоқда.

«Авода» меҳнат партияси раҳбарлигига учта номзод кўрсатилди. Булар — партиянинг собиқ раиси, Шароннинг коалицион ҳукуматида шу йил ноябрь ойигача мудофаа вазири бўлиб ишлаган Биньямин Бен Элиэзер, Хайфа шаҳри мэри Амрам Мацна ва Кнессет депутати Хаим Рамон. Кўпчилик кўрсатувчилар партиянинг собиқ раиси ғалаба қозонишини тахмин қилган эдилар. Бироқ партия ўзининг янги етакчисига эга бўлди. Яъни, ички партиявий сайловда Амрам Мицна 53,9 фоиз овоз олиб, «Авода» меҳнат партиясининг раиси этиб сайланди. Демак, у парламент сайловларида бош вазирлик учун номзод бўлди.

Амрам Мицнанинг дастлабки сайловолди баёнотлари нафақат кузатувчилар, балки мамлакат аҳолисининг ҳам диққат-эътиборини тортаяпти. Агар у бош вазир бўлса, бир йил мобайнида Фаластин ҳудудларида ҳарбий бўлинмаларни олиб чиқиб кетмоқчи. Шунингдек, бош вазир сифатида Ғазо секторидан яҳудийлар қишлоқларини кўчиришни талаб қилмоқчи. Бу қишлоқларга яҳудийлар Исроилнинг бошқа жойларидан олиб келиб жойлаштирилган эди. Шунинг учун ҳам фаластинликлар Амрам Мицнанинг «Авода» меҳнат партияси раислигига сайланганлигини ва у Исроил давлати бош вазирлигига асосий номзодлардан бири эканлигини илиқ қарши олишди.

Хорижнинг оммавий ахборот воситаларида Амрам Мицнанинг таржимаи ҳолига оид маълумотлар ҳам босилмоқда. Уларда айтилишича, Амрам Мицна 57 ёшда, Хайфадаги ҳарбий билим юртини ва университетни битирган. Сўнгра Гарвард университетининг жамоат арбобларига мўлжалланган халқаро муносабатлар курсини ўтаган. У қарийб ўттиз йил ҳарбий хизматда бўлган, генерал. Икки марта жуда кўпчилик овоз билан Хайфа шаҳрининг мэри этиб сайланган. Шаҳарга раҳбарлик қилиб турган пайтда шаҳарни иқтисодий тангликдан олиб чиққан. Эски районларни қайта тиклаган ва янгиларини қурган. Хайфада араблар билан яҳудийлар ўртасида қарама-қаршилик йўқ. Бир марта арабларнинг намойиши бўлганида Амрам Мицна намойишчилар олдига чиқиб вазиятни юмшатган ва бундай ҳолат бошқа такрорланмаган. Буни араблар ҳам, яҳудийлар ҳам яхши билишади.

Исроил парламент сайловига қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Шундай қилиб, унда бош вазирлик учун курашда «Ликуд»нинг раиси, ҳозирги бош вазир Ариэл Шаронга «Авода»нинг янги раиси Амрам Мицна асосий рақиб бўлади. Қайси партия ғолиб чиқиши ва бош вазирлик кимга насиб этишини бўлажак сайлов кўрсатади.

■ **Иброҳим НОРМАТОВ, сиёсий шарҳловчи**

XORIJDA

БУШ ҲАМ, РАМСФЕЛЬД ҲАМ...

Газетамизнинг аввалги сонларидан бирида АҚШ аҳолиси чечакка қарши 2004 йилдан ёпасига эмланиши ҳақида хабар берган эдик. Бу тадбир террорчилар томонидан бактериологик қуроллардан фойдаланилган терактлар содир этилиши мумкинлиги хавфидан эҳтиётланиш чораси сифатида ўтказилаётганлигини ҳам айтган эдик. Ўтган чоршанбадан тадбирнинг илк жараёни бошланди, яъни 100 нафар ҳарбий шифокор чечакка қарши эмландилар. Келаётган душанбадан эса 500 минг ҳарбий хизматчи ва 450 минг тиббиёт ходимини эмлаш бошланади.

АҚШ Президенти Жорж Буш ва мудофаа вазири Дональд Рамсфельд ҳам чечакка қарши вакцина қабул қилишларини айтишди. «Мен ўзим учун шу йўлни тўғри, деб қабул қилдим», деди Рамсфельд CNN телекомпаниясига берган интервьюсида.

50000 РУБЛЛИК БАНКНОТЛАР МУОМАЛАДА

Белорусия миллий банки 50000 рубллик янги банкнотларни муомалага киритди. Шу кунгача мамлакатда муомалада бўлган энг катта банкнот 20 минг рубллик банкнот эди.

ВИЗА БЕРИШ ТАРТИБИ ЎЗГАРТИРИЛДИ

Латвия ҳукумати мамлакатга кириш визасини 5 долларга қимматлаштирди. Ташқи ишлар вазирлигининг баёнотига кўра, Россияда амал қилинаётган таърифга тенглаштириш учун шундай қадам қўйилган. Бундан ташқари, Латвия Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган ўзгартиришга кўра, эндиликда виза бериш масаласини тезкорлик билан кўриб чиқиш бекор қилинди. Дарвоқе, фавқулодда ва айрим вазиятлардаги ҳолатларда тезкорлик билан виза бериш тартиби бундан мустасно.

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

2003 йил 23, 30 январь, 6 февраль кунлари соат 11.00 да республика Биржалар маркази биносида ўтказиладиган аукцион савдоларига эркин муомаладаги валютага қуйидаги объектлар қўйилади:

1. Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Ж. Обидова кўчаси, 151-манзилда жойлашган Тошкент шаҳар ҳокимлиги коммунал-фойдаланиш бирлашмасига қарашли «СУВСОЗ» трести таъмирлаш қурилиш бошқармаси.

Бошланғич баҳоси — 191560,0 АҚШ доллари.

2. Андижон шаҳар, Чўлпон кўчаси, 10-манзилда жойлашган Марказий универмаг ва «Андижон» супермаркети.

Бошланғич баҳоси — 281480,0 АҚШ доллари.

Шунингдек, 2003 йил 2,9,16 январь кунлари соат 11.00 да республика Биржалар маркази биносида ўтказиладиган аукцион савдоларига эркин муомаладаги валютага қуйидаги объект қўйилади:

Тошкент шаҳри, Водник даҳасида жойлашган 124-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (124-АЁҚШ).

Бошланғич баҳоси — 100886,0 АҚШ доллари.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Имкониятингизни бой берманг!

Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида ғаров пули тўлаши шарт.

Харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Ушбу объектларга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиз республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 44-хона, республика Кўчмас мулк биржаси.
Маълумот учун телефонлар: 136-26-26, 136-28-75.
Факс: 136-06-17. www.uzrkmb.com

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

2003 йил 24,31 январь, 7,14 февраль кунлари танлов ва кимошди савдоларини ўтказади.

ТАНЛОВ САВДОСИГА:

Мирзо Улуғбек тумани ҳалқ таълим бўлимига қарашли Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Қаландар кўчаси, 14-уйда жойлашган 60-сонли болалар боғчаси қўйилади.

Бошланғич нархи — 30 247 100 сўм ёки 36 884 АҚШ доллари.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

1. Мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш ва ўқитишни ривожлантиришга йўналтирилган муассасани ташкил этиш.
2. Белгиланган фаолият соҳасини камида 5 йил мобайнида сақлаб қолиш.
3. Боғча биносини ва иншоотларни қисқа муддатларда замонавий меъёр ва андозаларга жавоб берадиган ҳолда қайта қуриш ва таъмирлаш.
4. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини замонавий талаблар асосида жиҳозлаш.
5. Боғча биносини ва иншоотларни қайта таъмирлаш ва жиҳозлашга сарфланадиган сармоялар ҳажми.
6. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатларига асосан болалар билан ишлаш таълим-тарбиявий концепциясига эга бўлиш.
7. Мактабгача ёшдаги болаларга кўрсатиладиган хизматлар тури ва ҳажми.
8. Хизмат ҳақлари бўйича таклифлар ва имтиёзлар.
9. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини ёнғин хавфсизлиги ва санитария талабларига жавоб берадиган ҳолда сақлаш ҳамда унга бириктирилган ҳудудда ободонлаштириш ишларини олиб бориш.
10. Сотиб олиш нархи ва тўлов муддатлари бўйича таклифлар.

Танлов савдосига аризалар қабул қилиш савдодан уч кун аввал тўхтатилади.

КИМОШДИ САВДОСИГА:

Тошкент шаҳар, Сирғали туманидаги «Қурувчи» мавзесида жойлашган якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган 0,04га.дан иборат бўлган 1-12-сон, 14-сон ер участкаларининг эгалик ҳуқуқи, ҳар бирининг бошланғич нархи 1 648 000 сўм; майдони 0,02 га. бўлган 13-сон ер участкасининг эгалик ҳуқуқи, бошланғич нархи 824 000 сўм қўйилади.

Ер участкаларига аризалар қабул қилиш савдодан уч кун аввал тўхтатилади.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр, 16.

Танлов савдолари соат 11.00 да, кимошди савдолари соат 10.00 да бошланади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.

«O'ZMETALLSAVDO» ОАЖ

ўз акциядорларини 2003 йил 17 январь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳар, Уста-Ширин кўчаси, 136-уйнинг мажлислар залида акционерларнинг навбатдан ташқари умумий мажлиси бўлишини хабар қилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Навбатдан ташқари умумий мажлис президиуми ҳақида.
2. Ҳисоб комиссияси таркиби ҳақида.
3. Навбатдан ташқари умумий мажлис тартиби ҳақида.
4. «O'ZMETALLSAVDO» ОАЖ Низомига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ бошқа ҳужжатлар тўғрисида.
5. Кузатув кенгашини сайлаш.
6. Тафтиш комиссиясини сайлаш.
7. «O'ZMETALLSAVDO» ОАЖ аудиторини тасдиқлаш ҳақида.
8. Жамият бошқаруви раиси — бош директорини тасдиқлаш.
9. Жамият томонидан сотиб олинган 11310 дона 17492544 сўм миқдоридаги ёки Низом жамғармасининг 2,03 фоизига тенг келадиган хусусий акцияларни жойлаштириш ҳақида.
10. «O'ZMETALLSAVDO» ОАЖ фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида.
11. Турли масалалар.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

«O'ZMETALLSAVDO» ОАЖнинг муҳим фактлари ҳақида ахборот

Ахборотнинг тартиб рақами 07:

Акциядорлар рўйхатини ёпиш муддати:

2002 йилнинг 16 декабрида «O'zmetallsavdo» ОАЖ

Кузатув кенгаши акциядорлар рўйхатини 2002 йил 17 декабрь ҳолатига кўра ёпиш тўғрисида қарор қабул қилди.

СЕРЖИЛО ТАФАККУР ДУРДОНАЛАРИДАН*

ГЕОРГ ЛИХТЕНБЕРГ – НЕМИС МУТАФАККИРИ. 1742–1799 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:

- Китоб, бу – кўзгу. Агар унга маймун ўзини солаётган бўлса, ундан ҳаворийнинг чеҳраси кўриниши мумкин эмас.
- Ким кимёдан бошқа нарсани тушунмаса, у уни ҳам етарлича тушунмайди.
- Одамларнинг ёмонликни камайтиришга интилишлари шунча кўп ёмонликларни туғдириши жуда қайғули.
- Фалакдан мен ҳар куни сўрайдиган улкан бахт: кучда ва билимда ақлли ҳамда фазилатли одамларгина мендан устун келсинлар.
- Кишининг феъл-атворини ҳеч қачон, у хафа бўладиган ҳазил орқалисиз, бошқа усуллар йўқ эканида, аниқроқ билиш мумкин эмас.
- Камсуқум мен учун, мақтанчоққа қараганда, тоқат қилиб бўлмайдиганроқдир. Мақтанчоқ ҳар кимнинг фазилатларини эътироф этади, ортиқча камсуқум киши эса, афтидан, кимнинг олдида камсуқумлик қилаётган бўлса, ўшандан нафратланади.
- Бошқаларда ўзингни кўриб, нафақат ўзингни яхши кўрасан, балки, жуда ёмон ҳам кўрасан.
- Биргаликдаги уятни ҳис этиш – ҳамиша самимий туйғу. Юксак қадрланадиган киши, кимлар олдида ўзини кўзкўз қилмоқчи бўлаётганини етарлича билмай, кулгили ҳолатга тушганида буни ҳис этасан.
- Қоронғиликда уятдан қизарадиларми? Кўрқувдан қоронғиликда ранглари оқаришига мен ишонаман, аммо, биринчисига — йўқ. Чунки, ўзлари учунгина ранглари оқаради, ҳам ўзлари учун, ҳам бошқалар учун эса – қизарадилар.
- Ҳамдардлик – унча яхши бўлмаган садақа.
- Қулларча хатти-ҳаракат – ҳамиша ҳам қулнинг хатти-ҳаракати эмас.
- Одам ҳақида ўзингга ўта қийин тасаввурларни яратма, унинг тўғрисида оддий фикр юргиз; уни ўта яхши, деб ҳам, ўта ёмон, деб ҳам ҳисоблама.
- Ёмон одамлар, уларни яхши ўрганганингда, ютадилар, яхшилар эса – йўқотадилар.
- Дунё биз уни билишимиз учун эмас, балки, биз унда ўзимизни тарбиялашимиз учун мавжуд.
- Тарбия – ўзига хос туғилишдир.
- Айблашдан аввал, ҳамиша, кечириш мумкин эмасмиканлигини ўйлаб кўриш лозим.
- Одамнинг қандай бўлишлиги тўғрисида, ҳатто, энг яхши одамлар ҳам деярли аниқ ҳеч нима билмайдилар; унинг қандай эканлиги тўғрисида бўлса, ҳар бир киши мисолида ниманидир билиш мумкин.
- Ким хоҳлаганидан камга эга бўлса, билсинки, у арзийдиганидан кўпроққа эга.
- Бизнинг малакаларимиз тобора кўпроқ ўсмоқдалар, охир-оқибатда, эҳтимол, одам ҳамма нарсани ҳеч нимани англамасдан бажаради ва фикрлайдиган ҳайвонга айланади. Ақллилик бизни ҳайвоний ҳолатга яқинлаштирмоқда.
- Аҳмоқни даҳога айлантириш, қўрғошинни олтинга айлантириш каби, қийиндир.
- Ҳамма нарсада, ҳеч бўлмаганда, бир маротаба шубҳалан, ва, ҳаттоки, «икки карра икки – тўрт» ҳам бундан мустасно бўлмасин.
- Биз битта тентак кўплаб тентакларни, битта доно – жуда кам доноларни яратадиган дунёда яшаймиз.
- Пичоқнинг тиғини унинг сопи яратади.
- Эндигина ҳамма нарсада қатъий тартиб ўрнатишинг биланоқ, қоидалар қанча кўп зиён келтиришлари мумкин.
- Ердаги биз учун энг қизиқарли сирт, бу – инсон юзи.
- Ўз замонангдан паст бўлмасликка ҳаракат қил.
- Энг хавфли ёлғон, бу – бироз бузилган ҳақиқатлар.
- Ҳамиша вақти зиқ одамлар, одатда, ҳеч нима қилмайдилар.
- Олтин қоида: одам ҳақида унинг фикрларига эмас, балки, ушбу фикрлар ундан нимани яратганига қараб ҳукм чиқармоқ лозим.
- Ҳамма нарсани шуҳратпарастликдан эмас, балки, амалий фойда йўлида ўрган.
- Қаерда аввал фанларнинг сарҳадлари бўлган бўлсалар, у ерда энди уларнинг марказлари.
- Ижодий ақл учун «қийинчилик» сўзи мутлақо мавжуд бўлмаслиги лозим.
- Ҳар бир нарсада ҳали ҳеч ким кўрмаган ва ҳеч ким унинг устида ўйламаган нарсани кўришга интилмоқ керак.
- Аксарият одамлар ақл билан эмас, кўпроқ урф-одат бўйича яшайдилар.
- Ҳеч нима, ўз фикрингнинг бутунлай йўқлигичалик, жонинг осойишталигига ёрдам бермайди.
- Маҳмадонагарчилик қилиб, ишни бузиш, бу – аҳмоқликнинг энг уятли кўринишларидан бири.
- Чиройли қушлар бошқаларидан ёмонроқ сайрайдилар. Бу одамларга ҳам тааллуқли.
- Жимжимадор услубдан чуқур фикрни излашга ҳожат йўқ.
- Дунёда иккитагина одамни у меҳр билан севган: бири – унинг энг катта хушомадгўйи, иккинчиси – унинг ўзи.

(Давоми келгуси сонда.)

■ **Русчадан Муҳаммад РАҲИМ ўғли таржимаси**

**Рукн газетанинг 2001 йил 27 октябрдаги сонидан бошлаб берилмоқда.*

ВАТАН СИЗДАЙ...

Норқобил ЖАЛИЛ

Ватан сиздай ҳокисор, буюк
Хайрлашиб, қучоқлар яна.
Ватан сиздай кўкси доғ, куюк,
Ўзингизга ўхшайди, ОНА!

Ватан сиздай содда, тўпори,
Еру осмон икки кифтида.
Ватан сиздай ғурурли, орли,
ОТА, Ватан сизсиз аслида!

Ватан сиздай беғубор, дардли,
Дунёларга тўлмаган кўнглим.
Ватан сиздай соғинчи оғир,
Ватан — оғам, опам ва синглим!

Ватан сиздай кўксида қуёш,
Порлаган эл — қора кўзимиз.
Ватан — бу Кеш ё қадимий Шош,
Ватан асли бизнинг ЎЗИМИЗ!..

✧ ✧ ✧

Сен кетасан...
Сен кетмайсан...
Сен келасан...
Сен келмайсан...
Кетайинми?
Келайинми?..
Севасизми?..
Севмайсизми?..
Юрагимни эзар саволлар.

Ўн йилки алдайман ўзимни,
Битта сўз сиғмайди юракка.
Тошларга босаман юзимни
Кўз ёшим айланар тупроққа.

Тупроқнинг тили йўқ — айтмайди,
Ютади тоғлардай шу сўзни.
Юрагим ботмаган қуёшдай
Яшириб яшайди юлдузни.

Бир сўз деб юраги куйганлар,
Тушларин айтармиш дарёга.
Гуноҳсиз «гуноҳкор» суйганлар
Қўл силтаб ўтармиш дунёга...

Сен келасан дарёдай...
Сен кетасан дарёдай...

✧ ✧ ✧

Соғиндим тупроқли қишлоқни,
Кўксимда ўртанар нолалар.
Тушимга киради сўроқлаб,
Қўшиққа айланган болалар.

Йиртаман девордан «кунлар»ни,
Умрлар ўтади шамолдай.
Қучоқлаб ўпаман симларни...
Соғинчим жавобсиз қолади.

Биламан бир куни хазондай
Армонлар тўкилар юракдан.
Юлдузсиз йиғлаган осмондай
Сиғмайман ҳам еру фалакка.

Барибир ёлғизман, нетаман,
Талпиниб яшайман тўрт ёққа.
Тунлари тушимда кетаман,
Ўзимни соғинган қишлоққа...

✧ ✧ ✧

ЖАВҲАРБЕККА

Пешонамнинг бешта қаричи,
Икки қаро кўзимсан, Жавҳар.
Кошонамнинг митти «париси»
Аслида сен — юзимсан, Жавҳар.

Кунлар келар ҳали бир куни,
Айтилажак сўзимсан, Жавҳар.
Англа, тушун дунёи дунни
Асли ўзим... ўзимсан, Жавҳар!

СПОРТ

ОТ ЧОПТИРАР ЙИГИТЛАРНИНГ САРАСИ

Жиззах вилоятининг «Қаҳрамон» шаҳарчасида улоқ-кўпкари бўйича биринчи Ўзбекистон чемпионати ўтказилди.

— Улоқ-кўпкари бўйича биринчи мамлакат чемпионатида қатнашганлигимдан мамнунман, — дейди ўзини наманганлик Ҳикмат Отақўзиевман деб таништирган паҳлавон келбатли йигит. — Халқимизга хос бўлган бу қадимий ўйин аслида чинакам мардлар ўйини. Ичига туз тиқилган ҳийла оғир улоқни ердан даст кўтариб олиш учун бақувват билак керак. Сўнг улоқни маҳкам тутиб, полвонлар даврасидан, отлар орасидан олиб ўтиш, эсон-омон маррага етказиш учун чаққонлик, эпчиллик, маҳорат, отда юриш ва от чоптириш санъатидан бохабар бўлиш зарур. Бугун шундай хислатларга эга полвонлар беллашувини кўрдингиз. Бу биз — чавандозларга маҳоратимизни оширишда қўл келса, ишқибозларга завқ-шавқ, яхши кайфият, олам-олам қувонч бахш этади.

Муросасиз баҳслар, қизғин беллашувлар остида кечган чемпионат якунида умумжамоа ҳисобида тошкентлик чавандозлар биринчи, жиззахликлар иккинчи, Андижон ва самарқандликлар эса фахрли учинчи ўринларни қўлга киритдилар. Шавкат Назаров (Навоий), Аҳмад Ҳамидов (Андижон), Бахтиёр Элтоев (Самарқанд), Рустам Умматов (Сирдарё) сингари чавандозлар қимматбаҳо соврин эгалари бўлишди. Наманганлик Ҳикмат Отақўзиев (24 ёшда) мусобақанинг энг ёш қатнашчиси учун ажратилган махсус совға билан тақдирланган бўлса, қашқадарёлик Худойберди Аллаев (56 ёшда) ёши улуғ иштирокчи сифатида эъзозланди.

■ **Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

✧ ✧ ✧

Суратда: мусобақадан лавҳа.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

САНЪАТ ВА ГИЁҲВАНДЛИК

Тошкентда «Наркотиклар ва тасвирий санъат» мавзуида журналистлар учун минтақавий семинар бўлиб ўтди.

БМТнинг Марказий Осиёда наркотиклар ва жиноятчиликка қарши кураш бўйича ваколатхонаси томонидан ташкил этилган семинарда Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон журналистлари, шунингдек, Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультети талабалари иштирок этдилар.

Гиёҳвандликка қарши курашда маърифий ва ташвиқий ишлар муҳим ўрин тутади. Бунда санъатнинг ҳам ўз ўрни бор. Семинарда хусусан, кинонинг гиёҳвандлик даражасини пасайтиришга таъсири масалалари муҳокама этилди. Италиялик журналист Алесандро Скотти ушбу мавзуда маъруза қилди. Унинг фотосуратларида гиёҳвандларнинг аянчли ҳаёти ўз аксини топган.

■ **Наталия РАЗИЛОВА, ЎзМУ талабаси**

ИЖОДКОР ХОТИРАСИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида таниқли адиб Алп Жамол хотирасига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда адибнинг дўстлари, шогирдлари, оила аъзолари иштирок этишди.

Сўзга чиққанлар ижодкорнинг адабий мероси ҳақида тўхталишди.

— Алп Жамол хушчақчақ бағри кенг инсон эди. Каттаю кичикка бир эди, — дейди шоир Маъруф Жалил. — Яхши одамлар ҳар доим яхшилик билан эсланади.

■ **Юнус ЗИЁДОВ**

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 100-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан бирортасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгра чипта сериясининг 1, 2, 3, 4 ва 5-турларда тўғри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.

1 Тур	30077053.1	41	50125723.2	80019788.2	90130646.1	10106945.3	80055673.2	90105335.2
51	30098599.2	11	90025378.3	90101289.1	**13 Тур**	10120279.1	80121547.2	90134246.3
59	50092292.1	23	**8 Тур**	**11 Тур**	46	20005979.2	80143986.3	**17 Тур**
76	70024408.1	53	71	36	Сони: 23	20024501.1	90062024.2	60
28	80083919.2	39	Сони: 5	Сони: 13	Телевизор	20081241.1	90112057.2	Сони: 57
54	**3 Тур**	61	Телевизор	Телевизор	Чипталар	20130314.1	90129997.2	Сумма: 5000
38	12	35	Чипталар	Чипталар	рақами	30017910.3	**16 Тур**	**18 Тур**
73	1	63	рақами	рақами	10013926.1	30047460.1	77	33
88	86	Сони: 2	10013774.1	10022139.3	10042533.3	30105400.3	Сони: 52	Сони: 74
42	9	Сумма:	20116143.1	10046862.3	20053064.1	40042894.1	Видеомаг-	Сумма: 4000
Сони: 2	45	5000000	40084524.1	10107566.3	20117350.2	40096863.3	нитофон	**19 Тур**
Телевизор	72	Чипталар	60098683.2	20103092.1	20132354.2	40129313.3	10000239.1	48
Чипталар	34	рақами	70005989.1	30045860.3	30029696.1	50017021.3	10013272.3	Сони: 71
рақами	29	10119308.2	**9 Тур**	40001793.1	30082289.3	50019690.3	10024210.2	Сумма: 3000
10071628.2	37	40017786.1	40	50034679.2	40006711.1	50117410.3	10044647.3	**20 Тур**
90113172.1	49	**5 Тур**	Сони: 6	50129104.1	40014117.3	60071062.3	10102701.1	87
2 Тур	Сони: 3	30	Телевизор	70115507.2	40087659.1	60087744.1	10120887.3	Сони: 125
52	Сумма:	Сони: 2	Чипталар	80016346.2	50038665.2	70010086.2	10134212.3	Сумма: 2000
8	3333333	Телевизор	рақами	80098921.1	50093734.3	70050142.2	20005308.3	**21 Тур**
58	Чипталар	Чипталар	20007869.2	90028727.1	50099582.3	70116022.1	20029303.2	17
43	рақами	рақами	30109129.1	90119152.1	50102399.3	70131398.1	20033572.2	Сони: 253
84	40029886.2	20054187.1	40011359.2	**12 Тур**	50123192.2	80061052.3	20055449.3	Сумма: 1000
85	70143293.3	80120109.2	40115333.3	4	60098121.2	80074240.3	20066089.1	**22 Тур**
21	90048838.2	**6 Тур**	60046212.2	Сони: 14	70004712.3	80116330.1	20071086.2	78
66	**4 Тур**	44	70118117.2	Телевизор	70041451.1	80122740.1	20085921.1	Сони: 327
75	67	Сони: 3	**10 Тур**	Чипталар	70064646.2	90032538.3	20108015.2	Сумма: 900
70	62	Телевизор	65	рақами	70083543.3	**15 Тур**	20112092.3	**23 Тур**
10	2	Чипталар	Сони: 11	10038280.3	80034385.1	25	30004281.2	13
74	81	рақами	Телевизор	10042919.1	80142549.3	Сони: 36	30065192.1	Сони: 647
47	24	10130908.3	Чипталар	10107872.2	90079793.3	Видеомагни-	30093567.3	Сумма: 800
26	31	40052160.2	рақами	20047268.3	**14 Тур**	тофон	30099266.3	**24 Тур**
5	55	50053641.1	10005434.2	20113031.3	15	10035296.2	40033071.2	6
80	19	**7 Тур**	10023944.3	40024580.3	Сони: 30	10058120.2	40035043.3	Сони: 791
3	22	7	10042533.3	40082078.1	Телевизор	10124363.3	40122998.2	Сумма: 700
14	90	Сони: 4	30050358.1	50046181.1	Чипталар	20004833.2	50042808.3	**25 Тур**
Сони: 5	68	Телевизор	40074864.1	70070902.3	рақами	20082266.3	50066381.1	56
Сумма:	27	Чипталар	40124735.3	80021760.1	10008181.2	20120296.3	50104124.2	Сони: 1591
2000000	82	рақами	50065564.3	80065250.3	10039822.3	30019715.2	50108224.3	Сумма: 600
Чипталар	32	10081145.3	60075063.3	80139543.3	10045731.2	30045513.2	60050810.1	**26 Тур**
рақами	20	10144855.3	70085194.1	90034153.2	10105475.2	30091366.1	60083240.3	79
						30098358.1	60091066.3	Сони: 2005
						30106932.3	70012632.1	Сумма: 500
						40022464.3	70015694.3	**27 Тур**
						40026899.3	70025589.1	18
						40062696.3	70060612.2	Сони: 3403
						40074683.2	70108083.1	Сумма: 400
						40116374.1	70117382.1	**28 Тур**
						40138879.3	70126739.2	57
						50013728.2	70136175.3	Сони: 5705
						50030841.1	80015966.3	Сумма: 300
						50061822.1	80026835.1	
						50069811.2	80029635.1	**Қўшимча тур**
						50117115.1	80062110.1	
						50129830.3	80096471.2	Сони: 167
						50130710.1	80097956.1	Сумма: 900
						60002863.1	80128331.3	
						60098244.3	80133692.3	**Халтадан чиқмаган шарлар:**
						70020887.3	80144719.2	
						70107956.2	90053352.2	**16, 50, 64, 69, 83, 89**
						70134601.2	90054410.2	
						80037030.2	90058206.3	

"Яхши Ният" телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2003 йил 2 январдаги 102 янги йил тиражида ўйналадиган супер-ютуқлар:



«Лаҳзали Яхши Ният» телеўйинида иштирок этувчи шарлар рақами: 16, 50, 64, 69, 83, 89

Тўғри келганлар сони	Ютуқ сони	Сумма
4	2	2500000
3	115	1000
2	2908	300
1	21653	100

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил 27 октябрдаги 400-сонли лицензияси.

«ОТА БАРИБИР ОТА-КУ»

Газетамизнинг шу йил 19 ноябрь сонида ушбу сарлавҳа остида эълон қилинган мақолада ёзувчи Низомжон Пардага нисбатан оила аъзоларининг номуносиб хатти-ҳаракатлари ҳақида ёзилганди. Жумладан, ўғиллари унинг шахсий мулкини талон-торож қилгани, ўзини руҳий касалликлар шифохонасига мажбурлаб ётқизганлиги айтилганди.

Мақола қаҳрамонининг турмуш ўртоғи Шарофат Пардаеванинг шикоят хати ва бизга тақдим этган ҳужжатлари асосида масала таҳририят томонидан ўрганиб чиқилди. Низомжон Парданинг шикоят хати асосида ёзилган мақолада унинг ўз ўғилларига қўйган айбномалари асоссизлиги маълум бўлди. Шунингдек, мақола муаллифини турли ҳужжатлар ва асоссиз даъволар билан чалғитганлиги аниқланди. Бу ўринда мақола муаллифи масалани бирёқлама ўрганган унга кўрсатиб ўтилди.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари ҳамда «Ўзбекистон матбуоти» журнали ижодий жамоалари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, фахрий журналист

Исмоил СУЛАЙМОНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия ва ҳамдардлик билдиради.

Халқаро Шароф Рашидов Хайрия фонди Марказий Кенгаши фонд фаол аъзоси, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли адиб, етук журналист

Исмоил СУЛАЙМОНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, фахрий журналист

Исмоил СУЛАЙМОНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАРИ ХИРОСИМА ТАНЛОВИДА

Хиросимада ёш мўйқалам соҳибларининг халқаро танлови бўлиб ўтди. Дунё болаларининг ўн еттинчи бор ўтказилаётган мазкур беллашуви бу гал ҳам тинчлик мавзуига бағишланди. Танловда жаҳондаги саккиз мамлакатнинг 250 та мактабида таҳсил олаётган ижодкор ўсмирлар қаламига мансуб беш мингдан зиёд асарлар ҳайъат аъзолари томонидан муносиб баҳоланди.

Сўнгги йилларда бизнинг ўқувчиларимиз фаол қатнашиб келаётган ушбу халқаро танлов Хиросима тинчлик хотира музейи ва Япониядаги хорижий мамлакатларнинг элчихоналари ёрдамида ташкил қилинди.

Ўзбекистонлик болалар томонидан чизилган ранг-баранг суратлар Япония, АҚШ, Хитой, Россия, Корея ва Австралия ҳамда Шри Ланкадан юборилган расмлар орасида ўзига хос ўринни эгаллади.

Юртимиз вакиллари йўллаган ижодий ишлар орасида мукофот 15 ёшли Шерзод Сулаймоновга насиб этди. Унинг асари танловда фахрли иккинчи ўринни эгаллаб, Хиросима шаҳри ҳокимининг махсус соврини билан тақдирланди. Олти нафар ўқувчимиз учинчи даражали мукофот совриндори бўлишди.

Ушбу халқаро танловда нуфузли ўринларни эгаллаган 200 та асар Хиросима тинчлик хотира музейида икки ой давомида кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилади.

■ **Б.АЛИМОВ, «Жаҳон» АА мухбири. Япония**

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-97
Guliston da — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 133-44-55
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KOCHASI, 32-UY.

Navbatchi Sohibjon SALIMOV

Gazeta «Ozbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta Ozbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«Ozbekiston ovozi» materiallarini kochirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 1166
10346 nusxada bosildi
uzb ovozi@sarkor.uz.
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.30
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA